

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАСУЛОВ АКБАР НОМОЗОВИЧ**

**ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ШАРОИТИДА “ИҚТИСОДИЙ  
БИЛИМ АСОСЛАРИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(8-9 синфлар мисолида)**

**13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ - 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)  
on Pedagogical Sciences**

**Расулов Акбар Номозович**

Замонавий таълим кластери шароитида "Иқтисодий билим асослари" фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш (8-9-синфлар мисолида) ..... 3

**Расулов Акбар Намозович**

Совершенствование методики преподавания предмета "Основы экономики" в современном образовательном кластере (на примере 8-9 классов)..... 23

**Rasulov Akbar Nomozovich**

Improving the methodology of teaching the subject "Fundamentals of Economics" in a modern educational cluster (on the example of grades 8-9) ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**РАСУЛОВ АКБАР НОМОЗОВИЧ**

**ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ КЛАСТЕРИ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ  
БИЛИМ АСОСЛАРИ ФАНИНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
(8-9-синфлар мисолида)**

**13.00.02 - Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Чирчиқ - 2022**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4 PhD/Ped2078 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Чирчиқ давлат педагогика университети бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгашнинг веб- саҳифасида ([www.cspi.uz](http://www.cspi.uz)) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эрназарова Гулнора Облакуловна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Тожиева Зулхумор Назаровна**  
география фанлари доктори, профессор

**Рахматуллаева Дурдона Равшановна**  
педагогика фанлари фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро давлат университети**

Диссертация ҳимояси Чирчиқ давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.04.2021.Ped.82.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темура кўчаси, 104-уй. Тел: (+998) 70 -712-27-55; факс: (+998) 70 -712-45-41; e-mail: [chpi-kengash@mail.uz](mailto:chpi-kengash@mail.uz));

Диссертация билан Чирчиқ давлат педагогика университетининг “Ахборот-ресурс маркази”да танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темура кўчаси, 104-уй. Тел: (+998) 70 -712-27-55; факс: (+998) 70 -712-45-41.

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кунлари тарқатилди.  
(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Ж.Э.Усаров**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

**Д.М.Маҳмудова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

**Р.А.Эшчанов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги глобаллашув шароитида ижтимоий соҳаларнинг барқарор тараққиётини белгилашда таълимни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу, албатта, таълим тизимида янги инновацион ёндашувлар, самарали ўзгаришлар ва педагогик технологияларни фаол татбиқ этиш жараёнлари билан боғлиқ равишда кечмоқда. Дунё амалиётида таълимнинг барча турлари ва босқичларида самарадорликни ошириш ва такомиллаштиришнинг янги механизми сифатида қаралаётган кластер моделини янада ривожлантириш натижасида таълим парадигмаларининг янги имкониятларини топиш, субъектларнинг манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйиш орқали уларнинг истиқбол натижаларини кафолатлаш, шахснинг сифатли таълим олишига хизмат қилувчи янгича ёндашув ва усулларни ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёда таълим шакллари замонавий ва истиқболли меҳнат бозори талаблари асосида диверсификациялаш, ўқитиш усулларини технологик тараққиёт ғоялари билан уйғунлаштириш, таълим сифати назарияси ва методологиясининг етакчи ғояларини татбиқ этиш узвийлик, узлуксизлик ва изчиллик тамойилларига асосланган кластерли ёндашув орқали амалга ошириш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Халқаро тажрибаларга кўра, ривожланган хорижий давлатларнинг нуфузли илмий-тадқиқот марказларида (European Case Clearing House – ECCH, IMD) таълим оловчиларнинг иқтисодий компетентлигини шакллантириш маркетинг-тадбиркорлик, иқтисодий-ҳуқуқий ва ахборот-таҳлилий, бошқарув компетенцияларини шакллантиришнинг концептуал тизимли моделига асосланган методик моделини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш, ахборот-коммуникация технологиялари асосида иқтисодий компетентликни шакллантиришнинг дидактик таъминотини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда Шу нуктаи-назардан, иқтисодий компетентликни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнида интерфаол таълим методларидан ва иқтисодий индикаторлардан самарали фойдаланиш заруратини тақозо этади.

Мамлакатимизда сифатли таълим бериш имкониятларини ошириш, мактаб ўқувчиларида иқтисодий билим, кўникмаларни ривожлантиришнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармон<sup>1</sup>ида “Инсон капиталини меҳнат бозори ва мамлакатда ўқувчиларнинг рақобатбардошлик даражасини белгиловчи асосий омил сифатида ривожлантириш” чора-тадбирларида муҳим вазифалар белгилаб

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сонли Фармони // <https://lex.uz/docs/4312785>.

берилди. Бу эса ўқувчиларнинг иқтисодий билим савиясини ошириш, иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш механизми ишлаб чиқилишини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 5 сентябрдаги ПФ-5538-сон “Халқ таълимини бошқариш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 14 апрелдаги 213-сон “Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мамлакатимизда педагогик таълим инновацион кластерининг илмий-назарий асослари, унинг узлуксизлик, узвийлик ва изчиллик билан боғлиқ янги инновацион тузилма сифатидаги тавсифи ва амалиётга татбиқ этиш механизмлари педагог олимлар Ғ.И.Мухамедов, Ш.Мардонов, У.Н.Ходжамқулов, Р.Эшчанов, Ж.Э.Усаров, А.Раҳимов, Ш.И.Ботироваларнинг тадқиқотларида ёритилган.

Таълим олувчиларга иқтисодий билимлар бериш, иқтисодий характердаги миллий кадриятларга ҳурматни ошириш, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик малакасига эга бўлишни таъминлаш масалалари бўйича Д.У.Джураев, Р.Исматов, Н.А.Камолова, Н.Г.Мўминов, М.Ортиқовалар тадқиқот ишларини олиб борганлар.

Умумтаълим мактабларида иқтисодий таълимни ташкил этишга технологик ёндашув масалалари А.Х.Абдуллаев, С.Бобоқулов, Х.Вафоев, С.О.Саидов, Ш.А.Саипназаров, Б.Собиров, Х.А.Умарова, Х.Ж.Худойқулов, Т.Эргашев, Г.Х.Эшмуродова, О.Ҳайитовлар томонидан ўрганилган. Э.Сариқов, М.Маматов, Б.Ҳайдаров каби тадқиқотчилар синфдан ташқари шароитларда ўқувчиларнинг иқтисодий билимларни ўзлаштиришга бўлган қизиқишларини ошириш, уларда иқтисодий тафаккурни ривожлантириш масаласини тадқиқ қилишга эътибор қаратган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДХ) мамлакатлари олимлари томонидан таълим кластерларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг

назарий асосларини ўрганишнинг касбий таълимга нисбатан кластер ёндашуви Б.Пугачева, А.В.Леонтиев, фаолият ва педагогик лойиҳалаш назарияси В.В.Давыдов, В.П.Беспалько, Б.Ц.Леднев, А.А.Сластенин, узлуксиз таълим концепцияси Б.С.Гершунский, Г.В.Мухаметзянова, А.М.Новиков каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

L.C.Anderson, B.Weber, D.Carnegie, J.Rohn ишларида иқтисодий таълим моҳияти; R.Douglas Thompson, N.Nevitte, F.Michael O.Soppellнинг изланишларида шахс иқтисодий ижтимоийлашувининг аҳамияти, психологик жиҳатлари ва устувор ғоялари; E.Flouri, N.Hill, Ch.Kim, R.Robert S.Siegler тадқиқотларида мавжуд иқтисодий муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўлларини ўрганиш масалаларига эътибор қаратилган.

Тадқиқот мавзусига доир илмий, фалсафий, педагогик ва психологик адабиётлар ва илмий тадқиқот ишларини ўрганиш натижасида мактаб ўқувчиларида иқтисодий билим асослари фанини ўзлаштиришга бўлган қизиқишни оширишда замонавий таълим технологияларидан самарали фойдаланишнинг педагогик жиҳатларини тадқиқ этиш зарурати мавжуд.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.**

Диссертация иши Чирчиқ давлат педагогика университети илмий тадқиқот илмий ишлар режасининг “Педагогик таълим инновацион кластерининг илмий назарий асосларини яратиш ва уни амалиётга жорий этиш механизмларини ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишнинг методик тузилмасини аниқлаштириш;

кластерли ёндашув асосида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш мазмунини педагогик лойиҳалаш;

таълим кластери субъектларининг фаол ҳамкорликдаги фаолиятига асосланган “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш;

умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида иқтисодий зарурий сифатларни шакллантириш жараёни самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган дидактик воситаларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш жараёни белгиланган бўлиб, тажриба-синов ишларига Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги 1-сонли, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 8-сонли ва Наманган вилояти Норин туманидаги 39-сонли умумтаълим мактабларининг 448 нафар ўқувчиси иштирок этган.

**Тадқиқотнинг предмети** замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш мазмуни, шакли, методлари ва воситалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда муаммога доир иқтисодий, сиёсий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик адабиётларни қиёсий танқидий ўрганиш ва таҳлил этиш; халқ таълими муассасаларидаги илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш; социометрик методлар (анкета, интервью, суҳбат); педагогик эксперимент; натижаларни математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишнинг методик тузилмаси когнитив, баҳоловчи-фаолиятли, эмоционал-иродавий компонентларни ўқувчиларнинг “якин ривожланиш соҳалари” (экологик, индустриал) параметрлари билан ижтимоий трансформациялашув даражаси барқарорлигини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

кластерли ёндашув асосида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш мазмунини педагогик лойиҳалаш жараёнлари иқтисодий таълимнинг ўзаро боғлиқ ташқи (ижтимоий-иқтисодий) ва ички (хусусий-педагогик) омилларининг эмпирик таъсири динамиклигини таъминлайдиган қадриятли йўналтирилган таълим фалсафасига устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

таълим кластери субъектларининг фаол ҳамкорликдаги фаолиятига асосланган “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишнинг ташкилий, технологик, амалий методик шарт-шароитлари онгли танлов ва мустақил қарор қабул қилишга йўналтирилган ўқув материалларини ўзлаштириш учун мўлжалланган моделлаштирилган машқлар, иқтисодий мазмунга эга тадқиқотчилик топшириқлари, ўқув лойиҳаси каби фаол таълим методларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган;

умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида меҳнатсеварлик, тежамкорлик, эҳтиёткорлик, ташаббускорлик каби иқтисодий зарурий сифатларни шакллантириш жараёнлари оилавий хўжалик иқтисодини ўқитиш жараёни самарадорлигини таъминлайдиган дидактик воситаларни (бизнес-режа, маҳорат дарслари ишланмалари, молиявий саводхонликни баҳолаш тестлари, чизма-тасвирий моделлар) ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кластерли ёндашув асосида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикаси такомиллаштирилган;

8-9 синф ўқувчилари учун мўлжалланган “Иқтисодий билим асослари” фанидан электрон дарслик ишлаб чиқилган;

замонавий таълим кластери асосида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишнинг дидактик модели ишлаб чиқилган;

умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида иқтисодий зарурий сифатларни шакллантириш жараёни самарадорлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган.



**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси ОАК рўйхатига киритилган маҳаллий ва хорижий илмий журналлар, шунингдек, республика ва халқаро миқёсда ташкил этилган илмий анжуманлар материаллари тўпламларида чоп этилган мақолалар, нашр қилинган услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси “Интеллектуал мулк” агентлиги томонидан ахборот-коммуникация технологияларига оид дастурий воситалар ва электрон маълумотлар базаси учун берилган муаллифлик гувоҳномалари, тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик таҳлиliga асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришнинг назарий- методологик, амалий-методик, ташкилий-таҳлилий асосларининг тизимлаштирилганлиги, “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш моделининг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, улардан таълим мазмуни ва сифатига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқишда, ишлаб чиқилган методик тавсиялардан эса ўқув режа ва дастурлар ҳамда малака талабларини такомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда ўқувчиларнинг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантириш методикасининг интерфаол характердаги методлар билан бойитилганлиги, тегишли жараён механизмнинг такомиллаштирилганлиги, амалий-методик тавсиялар ишлаб чиқилганлиги, қўлга киритилган амалий натижаларнинг ўқувчиларда тадбиркорлик кўникма ва малакаларини ривожлантиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишнинг методик тузилмасини когнитив, баҳоловчи-фаолиятли, эмоционал-иродавий компонентларни ўқувчиларнинг “яқин ривожланиш соҳалари” параметрлари билан ижтимоий трансформациялашув даражаси барқарорлигини таъминлаш орқали аниқлаштириш, кластерли ёндашув асосида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш мазмунини педагогик лойиҳалаш жараёнларини иқтисодий таълимнинг ўзаро боғлиқ ташқи ва ички омилларининг эмпирик таъсири динамиклигини таъминлайдиган қадриятли йўналтирилган таълим фалсафасига устуворлик бериш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Иқтисодий билим

асослари” фани Миллий ўқув дастури ва дарсликларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказининг 2022 йил 14 сентябрдаги №01/11-01/9-1471-сонли маълумотномаси). Натижада, умумий ўрта таълим мактабларида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишнинг модернизациялашган дастурий таъминотини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

таълим кластери субъектларининг фаол ҳамкорликдаги фаолиятига асосланган “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишнинг ташкилий, технологик, амалий методик шарт-шароитларини онгли танлов ва мустақил қарор қабул қилишга йўналтирилган ўқув материалларини ўзлаштириш учун мўлжалланган моделлаштирилган машқлар, иқтисодий мазмунга эга тадқиқотчилик топшириқлари, ўқув лойиҳаси каби фаол таълим методларини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Иқтисодий билим асослари” фани бўйича ўқитувчи китоби қўлланмасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари Илмий тадқиқот институти Қорақалпоғистон филиалининг 2022 йил 19 августдаги №213-сонли маълумотномаси). Натижада, “Иқтисодий билим асослари” фани ўқитувчиларининг касбий-методик компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилган;

умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларида меҳнатсеварлик, тежамкорлик, эҳтиёткорлик, ташаббускорлик каби иқтисодий зарурий сифатларни шакллантириш жараёнлари оилавий хўжалик иқтисодини ўқитиш жараёни самарадорлигини таъминлайдиган дидактик воситаларни ишлаб чиқиш асосида такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Economy dictionary” номли изоҳли луғат мобил иловасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги хузуридаги Республика таълим марказининг 2022 йил 14 сентябрдаги №01/11-01/9-1471-сонли маълумотномаси). Натижада, “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда интерактив дастурий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та Халқаро ва 3 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий-услубий ишлар чоп этирилган бўлиб, шулардан 1 та электрон дарслик, Ўзбекистон Республикаси ОАКнинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган жами 14 та жумладан, 4 та республика ва 10 та хорижий журналларда илмий мақолалар нашр қилинган. Яратилган дастурий маҳсулотлар Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан 3 та муаллифлик гувоҳномалари олинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Мазкур диссертация кириш, учта боб, 8 та параграф, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 125 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги асосланиб, ўрганилганлик даражаси мавжуд илмий изланишлар натижаларига кўра баҳоланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда илмий фарази ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг объекти, предмети, методлари, ҳимояга олиб чиқиладиган ҳолатлар, илмий янгилиги, амалий аҳамияти, шунингдек, оммалаштирилганлик даражаси ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишнинг назарий ва методологик асослари** деб номланган бўлиб, унда замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш педагогик-феномен сифатида, замонавий таълим кластери шароитида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг иқтисодий билим ва кўникмаларини ривожлантириш мазмуни, устувор тамойиллари, шунингдек, замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг ҳозир вақтдаги таҳлилий ҳолати ҳақида сўз юритилган.

Адабиётлар таҳлилига кўра “Кластер” (cluster) сўзи инглиз тилида “тўплам”, “тўп”, “гурух”, “концентрация”, “гурухларга тўплаш”, “тўпламларда ўсиш” каби маъноларни англатади. Дастлаб бу термин статистика ва компьютер соҳасида пайдо бўлган, кейинчалик иқтисодиёт ва социологияда, бугунги кунда таълим соҳасида ҳам кенг қўлланилмоқда. Иқтисодиётдаги кластер назариясининг асосчиси америкалик иқтисодчи, М.Портер кластернинг шаклланиш механизмини ўзаро рақобатбардошлик ўсишига сабаб бўладиган бир-бирига бевосита боғлиқ соҳаларнинг жамланиши, дея изоҳлайди.<sup>2</sup> “CLUSTER” – инглизча - «Cooperation Link between Universities of Science and Technology for Education and Research” сўздан олинган бўлиб “илмий ва технологик университетлар ўртасида таълим ва тадқиқотда ҳамкорлик” маъносида ҳам ишлатилади. Кластер доирасида бир нечта субъектларни ўзаро интеграциялаш жараёни мураккаб, кўп тармоқли илмий-амалий ҳодисадир. Ўзаро боғлиқ бир нечта фаолият турларини умумий мақсад атрофида бирлаштириш аниқ ҳисоб-китобларни ва илмий ечимларни, субъектларнинг ихтиёрий хайрихоҳлиги асосидаги ташкиллаштирилишини ва самарали фаолиятни назарда тутаяди. Шу нуқтаи назардан, таълим кластери нафақат таълим турлари ўртасидаги, балки фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашув жараёнларини, шунингдек, таълимни бошқариш, таълим воситалари ва шакллари билан боғлиқ соҳаларни ҳам қамраб олади.

Ҳусусан, педагог олимлар Ғ.И.Мухамедов, У.Н.Ходжамкуловлар талқинига кўра, педагогик таълим инновацион кластери узлуксиз таълим тизимидаги барча таълим турлари, илмий тадқиқот институтлари ва

---

<sup>2</sup> Porter M. Competitive Strategy: Techniques for Analyzing Industries and Competitors, Cambridge, 1980, 454 pages.

марказлари, амалиёт базалари, илмий ва илмий-методик тузилмаларнинг бир бутунлиги бўлиб, уларнинг биргаликдаги вазифалар тақсимланган фаолияти педагогик таълим тизимини сифат жиҳатидан янги даражага кўтариш имконини беради. Бу айтиш пайтда таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши таълим турлари ўртасида ўзаро назоратни ҳам, рақобат ҳамда, манфаатларнинг қондирилишини ҳам таъминлаши зарур.

Педагогик таълим кластерининг аҳамиятини соҳалар бўйича қуйидагича таснифлаш мумкин: иқтисодий соҳада- самарали таълим хизматлари бозорини шакллантиришда, ижтимоий соҳада- педагогик таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлашда, маркетинг соҳасида - инновацион таълим технологияларини, таълим муассасаларининг ўқув-тарбиявий ишларида янги имкониятларни оммалаштиришда, ҳуқуқий соҳада - кластер доирасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишнинг, шунингдек, таълим муассасаларини бошқаришнинг янги шаклларига ўтиш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратишда, педагогика соҳасида эса узлуксиз таълим тизимида педагог кадрларни тайёрлашни ҳамкорликда лойиҳалаш соҳаларида кўзга ташланади.

Таълим кластерини мазмуни ва соҳанинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги йўналишларда ташкил қилиш мақсадга мувофиқ: таълим йўналиши, таълим воситалари йўналиши, таълим ва фан йўналиши, таълим ва ишлаб чиқариш йўналиши ҳамда таълимни бошқариш йўналиши Бу йўналиш ва тармоқлар мазмуни таълим турлари ўртасидаги таълимий, илмий, услубий, таълим воситалари ва бошқарув билан боғлиқ ҳамкорликнинг барча шакл, усул ва технологияларини ўзида жамлайди.

Ҳар бир жамиятнинг келажаги унинг ажралмас қисми ва ҳаётий зарурати бўлган таълим тизимининг қай даражада ривожланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот ишида мамлакатимизда амалда бўлган таълим тизими, ундаги интеграция жараёнларининг аҳволи, тизимдаги муаммолар ва уларни бартараф қилиш борасида яратилаётган илмий, илмий-услубий ва таълимий адабиётлар, шунингдек, хорижий тадқиқотчиларнинг таълим кластери бўйича илмий тадқиқот ишларидан материал сифатида фойдаланилди.

Илмий адабиётларда “кластер” тушунчаси борасида билдирилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, “педагогик таълим кластери” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ. Педагогик таълим кластери – маълум бир географик ҳудуднинг рақобатбардош педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир-бири билан узвий алоқадаги тенг ҳуқуқли алоҳида субъектларнинг, технология ва инсон ресурсларининг интеграциялашувини кучайтирувчи механизmdir.

Диссертация ишининг **“Замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг замонавий таълим кластери шароитида иқтисодий билим асосларини ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг дидактик модели, шахсни иқтисодий муносабатларни ташкил этишга

тайёрлашнинг миллий- тарихий тажрибаси ҳамда мактаб ўқувчиларининг иқтисодий билим ва кўникмаларини ривожлантиришда инновацион таълим технологияларининг ўрни очиб берилган.

Маълумки, интерфаол таълим технологияларини амалга ошириш индивидуал, жуфтлик, гуруҳ ва жамоа билан ишлаш шаклларида амалга оширилади. Ўқитувчи таълим жараёнида интерфаол таълим технологиялари ёрдамида ўқувчиларнинг қобилиятларини ривожлантириш, ўз-ўзини назорат қилиш ва бошқариш, самарали суҳбат олиб бориш, тенгдошлари билан ишлаш, уларнинг фикрларини тинглаш ва тушуниш, мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, муқобил таклифларни илгари суриш, фикр-мулоҳазаларини эркин баён қилиш, ўз нуқтаи назарларини ҳимоя қилиш, муаммонинг ечимини топишга интилиш, мураккаб вазиятлардан чиқа олиш каби сифатларни шакллантиришга йўналтиради.

Интерфаол таълим технологияларини қўллаш орқали ўқитувчи ўқувчиларнинг таълим-тарбия жараёнидаги аниқ мақсадга эришиш йўлида ўзаро ҳамкорликка асосланган ҳаракатларини ташкил этади.

Бугунги иқтисодий таълим талаблари дастурларнинг изчиллиги ва ўзаро мувофиқлиги, кўшимча таълимнинг интеграциялашувини, шу билан бирга ўқитиш мазмуни-моҳиятини реал ҳаётини эҳтиёжларга максимал даражада яқинлаштиришни кўзда тутди.

Замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фани мактаб ўқувчиларининг иқтисодий билим ва кўникмаларини ривожлантиришда катта тарбиявий имкониятга эга. Бу жараёнда ўқувчилар томонидан иқтисодий билим асосларини тизимли ўзлаштиришга эришади, иқтисодий билимлари мустақамланади. Мазкур шароитда кичик тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг реализациясини таъминлаш орқали ўқувчиларда иқтисодий компетентлик сифатларини ривожлантириш имкониятлари юзага келади. Бу эса уларда иқтисодий билимдонлик, оилавий тадбиркорлик фаолияти ёки мактаб бизнес лойиҳаларида фаол иштирок этиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш кўникмаларига, шунингдек, иқтисодий компетентлик сифатлари (аниқ мақсад ва ҳаракат режасига эгаллик, ташаббускорлик, тадбирлилик, креативлик, иқтисодий масалаларда вазиятни тўғри баҳолай олиш, турли иқтисодий вазиятларда оқилона қарор қабул қилиш, рақобатга бардошлилик, муваффақиятсизликлар олдида тушкунликка тушмаслик, таваккал қилишга тайёрлик кабилар)га эгаллиги ҳисобланади.

Замонавий таълим кластерини таъминлашнинг кейинги шароити “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш асосида мактаб ўқувчиларининг иқтисодий билим ва кўникмаларини ривожлантиришда таълим муассасасининг оила билан ҳамкорлиги ҳисобланади. Бу жараёнда катта ёшли оила аъзолари (бува-буви, ота-она)нинг иқтисодий билимларига таянилади. Уларнинг иқтисодий билимларидан фойдаланиш қуйидаги методлар ёрдамида амалга оширилади: намуна кўрсатиш; тушунтириш; савол-жавоб; амалий жиҳатдан ўргатиш; йўл-йўриқ кўрсатиш; маслаҳат бериш; топшириқлар бериш; танбеҳ бериш, уялтириш, рағбатлантириш, жазолаш,

назорат қилиш; баҳолаш кабилар.

Умумий ўрта таълим муассасаларида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишнинг асосий мақсади ўқувчиларда иқтисодий саводхонликни ва иқтисодий маданиятни шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий фаолият билан боғлиқ бўлган муайян ҳаётий вазиятларда энг мақбул ечим топа олиш ва тўғри қарор қабул қилишга ўргатишдан иборат. Фаннинг асосий вазифаси эса ўқувчиларда кундалик фаолиятда қўллаш, фанларни ўрганиш ва таълим олишни давом эттириш учун зарур бўлган иқтисодий билимларни шакллантириш, табиий-моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва асраб-авайлаш, онгли равишда касб танлашга йўналтиришдан иборатдир.


Ўқувчиларининг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришда интеграция, меҳнат муносабати билан боғлиқлик, тарбиявий омиллар бирлиги, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжига мослик, шахснинг эҳтиёж ва имкониятлари бирлиги, индивидуал хусусиятларни инобатга олиш, табақавий ёндашиш, жамоа имкониятининг устуворлиги, ўйин характериға эгаллик каби тамойиллар устуворлик касб этади. Мазкур тамойилларни амалга ошириш мақсадида ушбу жараённинг дидактик модели ишлаб чиқилди (1-расм). Унда ўқувчиларнинг иқтисодий таълим кадриятлари асосланади ва ажралмас педагогик жараён акс эттирилади. Ушбу модел ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаришга қаратилган ўзаро боғлиқ компонентлардан иборат.

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш дидактикаси бу услубий таъминотни ишлаб чиқиш, интерфаол ва инновацион таълим технологияларидан ва АКТдан самарали фойдаланиб таълим жараёнини олиб бориш (ўқитиш)

“Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштириш учун дидактик моделнинг ўқувчиларнинг иқтисодий компетентлигини шакллантиришни башоратлаш имконини беради ва натижаға йўналтирилган тизимли ҳаракатларнинг алгоритмик кетма-кетлигини таъминлаб юқори натижаға эришишни кафолатлайди

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган модел бошқа моделлардан инновацион таълим шаклларидан фойдаланиши билан ажралиб туради. Моделнинг технологик-жараёнли ва рефлексив баҳолаш компоненти ўқувчиларда иқтисодий компетентликни шакллантиришда, баҳолашда ва таълим сифати ҳамда самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятға эға.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларига замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш орқали иқтисодий компетенцияларини шакллантиришнинг дидактик модели мақсадли, мотивацион, мазмунли, жараёнли ва диагностик-натижавий компонентлари узвийлигида иқтисодий ижтимоийлик, узвийлик, узлуксизлик, мослашувчанлик, назария ва амалиётнинг бирлиги, касбға йўналтириб ўқитиш тамойиллари асосида ишлаб чиқилди.



1-расм. Ўқувчилар иқтисодий компетенцияларини шакллантиришнинг дидактик модели

Моделнинг мақсад блокида “Замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш асосида ўқувчиларнинг иқтисодий компетенцияларини шакллантириш” асосий мақсад сифатида белгиланган. Мазмунли блок таркибини вазифалар, ёндашувлар, тамойиллар, йўналишлар, таълим мазмуни ташкил этади ҳамда замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш орқали иқтисодий компетенцияларини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари аниқланган. Технологик-жараёنли блокда ўқув материаллари мазмунини танлаш мезонлари, ўқитишнинг инновацион таълим шакллари (коференцион дарс, комбинацион дарс, экскурсия дарси), академик таълим шакллари (назарий, амалий ва семинар дарслари), таълим натижасида ўқувчиларнинг ривожлантирилувчи иқтисодий компетенциялари, таълим воситалари, иқтисодий компетенция компонентларини шакллантирувчи таълим технологияларини қўллаш асосида жараён амалга оширилади. Моделнинг рефлексив-баҳолаш блокида педагогик тажриба – синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш жараёни амалга оширилади. Педагогик тажриба-синов тажриба-изланиш, тажриба-таҳлил, назарий-экспериментал, тажриба-синов босқичларида ўтказилади, ўқувчиларнинг иқтисодий компетенцияларини ривожланганлик даражалари, баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади. Натижа эса, иқтисодий компетенциялари ривожланган мактаб ўқувчисини тайёрлашга эришилади.

Замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитишда умумий ўрта таълим мактаблари 8-9-синф ўқувчиларининг иқтисодий билим ва кўникмаларини ривожлантиришда ўйин технологияларидан фойдаланишда икки йўналиш бўйича иш кўрилди:

- хорижий давлатларнинг шахсинг иқтисодий билим ва кўникмаларини ривожлантиришда ўйин технологияларидан фойдаланишга оид тажрибаси, хусусан, “Монополия”, “Пул оқими”, ҳамда “Иқтисодий ўн иккилик” ўйин тажрибалари ўрганилди.

Тадқиқот давомида “Муаммоли ўқитиш”, “Туруҳий қидирув”, “Модулли таълим” каби методларга асосланган имитацион характердаги педагогик (“ишбилармон”, “ишчанлик”, “кроссворд”, “анаграмма”, “ребус”) ўйинлар ташкил этилди. Бу ўқувчиларнинг ёш усусиятларидан келиб чиққан ҳолда жамиятдаги иқтисодий муаммоларни ролли ўйинлар асосида мустақил ҳал қила олиш қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қилди.

Ўйин жараёнида ҳал этиладиган вазифалар:

1) иқтисодий характердаги топшириқлар ёрдамида ўқувчиларни иқтисодий билимларни умумлаштириш ва тизимлаштиришга ўргатиш;

2) ўқувчиларда муаммоли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш (ечимни топиш) малакаларини ривожлантириш;

3) амалий топшириқлар ёрдамида ўқувчиларда иқтисодий билим, кўникма ва малакаларини мустақил баҳолаш қобилиятини шакллантириш.

Замонавий шароитда инновацион характердаги таълим технологиялари орасида лойиҳа таълими ва унинг моҳиятини ёритувчи технологиялар ҳам ўзига хос ўрин тутади.



Дарс машғулоти куйидаги инновацион таълим методлари асосида ташкил этилганда, яхши самарадорликка эришилди.

**1. Экскурция дарс** - синфдан ташқари машғулоти бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари ёки фермер хўжаликларидан иборат кластерли муҳитда ўтказилади.

Иқтисодий билим асослари фанидан экскурсияда танқидий фикрлаш технологиясидан фойдаланиб иқтисодий-ҳуқуқий компетенцияси шакллантирилади. Экскурциялар одатда синфдан ташқари машғулоти бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари ёки фермер хўжалиқларида ҳам ўтказилиши мумкин.

Танқидий фикрлаш технологияси – танқидий тафаккурни ўргатиш муаммоларни муҳокама қилиш, баҳолаш, аниқлаш ва ҳал қилишни ўргатадиган таълим технологиясидир.

“Иқтисодий билим асослари” фанидан тўғарак машғулотида эвристик таълим технологияларидан фойдаланиб ўқувчиларнинг маркетинг-тадбиркорлик компетенциясини шакллантириш амалга оширилади.

Эвристик таълим - бу ўқувчи томонидан таълимнинг ўз шахсий мазмуни, мақсадлари ва тузилишини, шунингдек уни ташкил этиш, диагностика ва тушуниш жараёнини тайёрлашни ўрганишини мақсад қилиб олувчи таълим ҳисобланади.

**2. Комбинацион дарс** – замонавий таълим кластери шароитида назарий, амалий, тўғарак каби таълим шаклларида барчасини бирдек лойиҳалаш технологиясидан фойдаланиб олиб борилади.

Иқтисодий билим асослари фанидан комбинацион дарсда лойиҳалаш методини қўллаш орқали ўқувчиларнинг ахборот-таҳлилий компетенциясини шакллантириш амалга оширилади.

Лойиҳалаш методи – ўқувчиларни босқичма-босқич мураккаблашиб борадиган иқтисодий масалаларни ишлаб чиқиш, режалаштириш ва амалга ошириш жараёнида билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантирадиган таълим тизимидир.

**3. Дарс-конференция** – замонавий интернет технологиялари имкониятларидан фойдаланиб замонавий таълим кластери шароитида конференция, ижтимоий тармоқлар (telegram, instagram, facebook) орқали дифференциал таълим технологиясидан фойдаланиб дарс олиб борилади.

Иқтисодий билим асослари фанидан конференцион дарсда дифференциал таълим технологиясини қўллаш орқали ўқувчиларнинг ахборот-таҳлилий компетенциясини шакллантириш амалга оширилади.

Дифференциаллашган таълим – турли қобилиятга эга ўқувчиларни бир гуруҳида ўқитиш технологияси бўлиб, натижада барча ўқувчиларнинг потенциал имкониятлари даражасида ўқув жараёнига жалб этилишини ҳамда уларнинг ахборотли-таҳлилий компетенцияси шаклланишини таъминлайди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ўқувчиларнинг иқтисодий муносабатларга киришиш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилган педагогик жараён ташкилий-методик жиҳатдан

тўғри, самарали йўлга қўйилиши ҳамда устувор тамойилларнинг танланишига боғлиқдир. Ушбу ёндашувлар ва тамойиллар асосида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг дидактик модели ишлаб чиқилди. “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикаси муаммоли топшириқлар, ўқув лойиҳалари, амалий ва дидактик ўйинларга устуворлик бериш орқали ўқувчиларда иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантириш замонавий методлар асосида такомиллаштирилди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Педагогик тажриба-синов ишларини ўтказиш ва натижалари таҳлили”** деб номланган бўлиб, унда умумий ўрта таълим мактаблари 8-9-синфларида замонавий таълим кластери шароитида “Иқтисодий билим асослари” фанини ўқитиш методикасини такомиллаштирига оид педагогик тажриба синов ишларининг қўйилиши ёритилиб, тажриба-синов ишлари натижаларининг самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисидаги таҳлилий фикрлар баён этилган.

Тажриба-синов ишлари 2019-2020, 2020-2021, 2021-2022 ўқув йиллари мобайнида тўрт босқичда тажриба-изланиш, тажриба-таҳлил, назарий-экспериментал тажриба синов босқичларида Жиззах вилояти Зафаробод туманидаги 1-сонли, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги 8-сонли, Наманган вилояти Норин туманидаги 39-сонли умумтаълим мактабларининг 8-9 синфларида олиб борилди. Унда жами 448 нафар ўқувчи иштирок этди. Шундан 228 нафари тажриба гуруҳида, 220 нафари эса назорат гуруҳида қатнашди.

Тадқиқотни амалга ошириш дастурига биноан умумтаълим мактабларида таълим олаётган ўқувчиларда иқтисодий кўникмаларни замонавий таълим кластери шароитида тизимли ёндашув асосида шакллантириш кўзда тутилган эди. Бу “Иқтисодий билим асослари” ўқув фанини тизимли ёндашув асосида ўқитиш бўйича ишлаб чиқилган методика мазмунининг самарали эканлигини баҳолаш имконини берди. Иқтисодий кўникмаларнинг шаклланганлигини қуйидаги даража ва кўрсаткичларда аниқланди.

